

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 21-sentabr, shanba № 73 (15711)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ ВОСИТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАРИНИ РАЎБАТЛАНТИРИШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари учун халқаро стандартларга мос дастурий таъминот воситаларини республикада ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, сифатли, рақобатбардошли дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш юзасидан мамлакатимиз ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни кучайтириш, шунингдек, уларнинг маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда илдам силжитишга кўмаклашиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестрини тузиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри software.uz Интернет-порталида жойлаштирилган дастурий маҳсулотлар ва ишлаб чиқувчиларнинг миллий каталоги негизда яратилади;

Миллий реестр электрон шаклда он-лайн режимида юритилади;

Ўз дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва сотишдан олинган даромадлари улар сотган товарлар (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмининг камида 50 фоизини ташкил этадиган юридик шахслар Миллий реестрга ихтиёрий ва бепул асосда киритилади.

2. Қуйидагилар Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилар миллий реестрини юритишнинг асосий вазифалари ва йўналишлари деб ҳисоблансин:

мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилари тўғрисидаги ахборотнинг ягона электрон банкини яратиш ва истиқболли лойиҳаларни ҳамда инновацион компьютер технологияларини яратиш билан машғул бўлган истеъдодли ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлаш;

миллий дастурий маҳсулотларнинг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бозорининг ҳолати ва са-

лоҳияти тўғрисида ахборот бериш; ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошли бўлган, сифатли миллий дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишни рағбатлантириш; иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг реал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқишнинг устувор йўналишларини белгилаш;

мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқувчиларининг манфаатларини ифодалаш, уларга ўз маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда илдам силжитишда кўмаклашиш.

3. Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестрини шакллантириш, юритиш ва янада ривожлантириш вазифалари Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси зиммасига юклансин.

4. Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар 2017 йилнинг 1 январига қадар муддатда:

барча турдаги солиқлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл фондига, бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланмайдиган рўйхатлар бўйича ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технология ҳужжатлари, дастурий таъминот воситаларига бож тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

5. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

мазкур қарор 4-бандининг 2-хатбошида назарда тутилган солиқ имтиёзлари берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар Миллий реестрга киритилган юридик шахслар — дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг ходимларини рағбатлантириш, моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилади;

(Давоми 2-бетда)



Сардор Муллажонов фотоколлажи

5-бетга қаранг

Ахборот технологиялари — ёшларга

Qaror va ijro

«InfoCom — 2013» ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги арафасида 20 сентябрда Жиззахда «Ахборот технологиялари — ёшларга» хайрия акцияси бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ахборот соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ўзгаришлар барча соҳада ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва янада ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 27 июндаги қарори билан тасдиқланган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, алоқа тармоқлари ва инфратузилмасини ри-

вожлантириш Давлат дастурининг қабул қилиниши Ўзбекистон ахборот ресурслари, тизими ва тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлайдиган янги босқични бошлаб берди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожлантирилиши ёшларнинг кенг ва сифатли таълим олиши учун имкониятлар яратмоқда. Буни ҳисобга олган ҳолда, ҳар йили ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги арафасида «Ахборот

технологиялари — ёшларга» хайрия тадбири ўтказилмоқда. Тадбир доирасида ҳомийлар ўқув муассасаларини замонавий компьютер тўпламлари билан жиҳозламоқда.

Жорий йилда ушбу хайрия акцияси доирасида «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Жиззах ахборот технологиялари касб-хунар коллежига беминнат тарзда 15 компьютер, кўп функцияли кўчириш мосламаси, проектор ва принтер топширди.

Бугун сифатли таълим олиш кўп жиҳатдан ўқув жараёнида АКТдан фойдалана олиш даражасига боғлиқ. Эндиликда жиҳозланган компьютер синфларида ўқиётган ўқувчиларнинг таълим жараёнида турли ахборотларни ўзлаштириш ва улардан самарали фойдаланиши учун яратилган имкониятлар янада кенгайди.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ ВОСИТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми, боши 1-бетда)

Миллий реестрга киритилган юридик шахслар — дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар учун ушбу қарорда назарда тутилган солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати, агар уларнинг ўзлари ишлаб чиқарган дастурий таъминот воситаларини экспорт қилиш ҳажми улар сотган товарлар (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмининг камида 50 фоизини ташкил этган тақдирда, 2 йилга узайтирилади.

6. Қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперация-

ни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сонли фармонининг амал қилиши Миллий реестрга киритилган юридик шахслар — дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларига, агар улар хонадонларда ишловчи (касана) жисмоний шахслар билан меҳнат шартномалари тузадиган бўлсалар, татбиқ этилсин;

юридик шахслар фойдасига солинадиган солиқ ва ягона солиқ тўлови бўйича янги технология ускуналарини харид қилиш чоғида солиққа тортиладиган базани камайтиришга доир амалдаги тартиб республика корхоналари ва ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг ҳар йилги Инвестиция дастурига киритиладиган ах-

борот тизимларини яратиш бўйича инвестиция лойиҳалари доирасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дастурий таъминот воситаларини сотиб олишга йўналтириладиган маблағлар миқдорига жорий қилинсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Миллий реестрга киритилган юридик шахслар — дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилари дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлар ҳамда хизматларни Интернет тармоғининг он-лайн дўконлари орқали экспорт шартномаси мавжуд бўлмасдан хорижий валютага экспорт қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва

телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банк билан биргаликда икки ой муддатда Дастурий таъминот воситалари экспорти ва импорти тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин, унда дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ташқи савдо операцияларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2013 йил 20 сентябрь

И.КАРИМОВ

Марказий Осиё — ядро қуролидан холи ҳудуд

Тошкентда «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи ҳудуд» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти томонидан ташкил қилинган ушбу тадбирда Ўзбекистон ва Қозоғистон илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, таҳлилий марказларининг экспертлари, ташқи ишлар вазирликлари вакиллари, шунингдек, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган қатор хорижий давлатлар дипломатик миссияларининг раҳбарлари иштирок этди.

Ушбу давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги ташаббус илгари сурилганининг 20 йиллиги ва Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги шартнома имзоланган санага бағишланди.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг профессори Н.Тўлаганова ядро қуролли тарқатмаслик соҳасидаги халқаро тажрибани пухта ўрганиш асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг мазкур ташаббуси глобал хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса бўлиб

қўшилганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо мамлакатларнинг деярли барчаси томонидан, шунингдек, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Давра суҳбати иштирокчилари Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги шартноманинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги роли ва аҳамиятига юксак баҳо бердилар. Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Б.Жексембиннинг таъкидлашича, минтақа давлатлари ушбу шартномани имзолаб, ядро қуролли тарқатмасликка оид халқаро ҳуқуқ норма ва тамойилларига қатъий риоя қилиш тарафдори эканини билдирди. Элчининг фикрича, Ўзбекистон ва Қозоғистон минтақада оммавий қирғин қуролларини қисқартириш ва ядро қуролли тарқатмаслик режимини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшди. Бу эса икки мамлакатнинг глобал миқёсда ядровий қуролсизланиш соҳасидаги

замонавий ва долзарб муаммоларга қарашлари бир-бирига мослигидан далолатдир.

Экспертлар жаҳонда ядро қуролли тарқатмаслик режимига оид бугунги энг муҳим омилар билан боғлиқ масалаларни ҳам муҳокама қилдилар. Ядро қуролли тарқатмаслик соҳасидаги хавф ва таҳдидларга бағишланган конструктив мунозаралар чоғида ядровий технологиялар ва материалларни ноқонуний кўчириш, уларнинг нодавлат субъектлар қўлига тушиб қолиши, ҳудудларнинг радиоактив заҳарланишининг олдини олишга доир муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди.

Давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистон ўзини келажак авлодларга тинч ва барқарор тараққиётни кафолатлайдиган, ядро қуролли тарқатмасликнинг универсал, очиқ ва адолатли тизимини шакллантиришни қатъий ва изчил тарафдори сифатида намоён қилганлигини алоҳида таъкидладилар. Экспертлар қайд этганидек, Ўзбекистоннинг фаол ташқи сиёсати, шу жумладан ядро қуролли тарқатмаслик режимини мустаҳкамлаш борасидаги аниқ саъй-ҳаракатлари, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг жаҳонда тинчлик, барқарорлик ва хавф-

сизликни таъминлашга қўшган муносиб ҳиссасидир.

Тадбирда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги шартнома ва Ядро қуролли тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани самарали амалга ошириш борасида Ўзбекистон-Қозоғистон ҳамкорлигини мустаҳкамлаш истиқболлари ҳусусида ҳам фикр алмашилди. Қозоғистон стратегик тадқиқотлар институти вакиллари таъкидлашича, замонавий таҳдид ва хавфларга қарши кураш борасида мунтазам маслаҳатлашувлар ва амалий ҳамкорлик бўйича яхши тажриба тўпланган. Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг Марказий Осиё давлатларининг бу борадаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлигига оид қарашлари бир-бирига мос.

Минтақавий хавфсизлик соҳасида давлатлараро ҳамкорлик жадал ривожланаётганлигини қайд этган экспертлар муҳокама қилинган масалалар бўйича бўлиб ўтган батафсил ва амалий мулоқотлар ўзаро дўстлик, яхши кўшничлик ва ишончга асосланган Ўзбекистон-Қозоғистон ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА мухбири

Bolalar tashkiloti



Фарғона шаҳар «Камалак» болалар ташкилоти томонидан шаҳардаги Аҳмад Фарғоний номидаги истироҳат боғида «Камалак»ка аъзомиз» лойиҳаси ўтказилди.

Мен «Камалак» аъзосиман

Фарғона шаҳар ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари, ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир ёшларнинг чинакам байрамига айланди.

— Уқувчиларнинг «Камалак»ка аъзо бўлиши «Камолот» оstonасига қўйган илк қадами ҳисобланади, — дейди Фарғона вилояти «Камалак» болалар ташкилоти раиси Одилжон Раҳматов. — Бундай тадбирнинг эсда қоларли тарзда ташкил этилиши ёшларга қанот бағишлайди. Улар юксак натижаларга эришиш учун ҳаракат қилишади.

Тантанали аъзоликка қабул қилиш тадбири аввалида Аҳмад Фарғоний ҳайкали пойига гулчамбар қўйилди. Тадбирда Фарғона шаҳридаги 42 та мактабнинг фаол ўқувчилари ўзларининг аъзолик вадаларини ўқиб-эшиттирди. Уларга «Камалак» рамзи туширилган «Камалак» болалар ташкилоти аъзолик кўкрак нишонлари топширилди.

Тадбир сўнггида таниқли санъаткорлар, «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали лауреатлари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Иқболжон ДАДАЖОНОВ,
Фарғона вилояти

Олма қуртига қарши самарали технология

Одатда, мевали дарахтларнинг сифати ва ҳосилдорлигини ошириш учун қўшимча ўғитлар билан бирга, турли ҳашаротларга қарши кимёвий дорилар қўлланилади. Тенгдошимиз Моҳигул Шукурова олма кушандасига қарши оддий ва самарали усулни таклиф этмоқда. У олға сураётган инновацион технология самарали, ҳам камчиқим..

Гап шундаки, иккита оддий мих ва электр токи таъсирида олма дарахтига курт туширмасдан сифатли ва юқори ҳосил олиш мумкин.



Олма дарахти айна кийгос гуллаганда танасининг икки томонига металл мих қоқилади. Михларнинг бири темир, иккинчиси мис бўлса, самарадорлик янада юқори бўлади. Урнатилган михга 12 вольт ток билан 2-3 секунддан 2-3 марта таъсир этилади. Бунинг натижасида олма кушандаси кам вольтли ток таъсирида нобуд бўлади. Дарахтнинг ёшига қараб, токни таъсир эттириш жараёнини ўзгартириш мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам 7-8 секунддан ошмаслиги шарт.

Ҳўш, олма қуртига қарши қачондан бошлаб курашимиз мумкин?

— Олма дарахти гуллаган даврдан олма қуртига қарши курашиш бошланади, — дейди лойиҳа муаллифи, Қарши давлат университети қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Моҳигул Шукурова. — Чунки капалак қуртлари шу вақтда уча бошлайди. Айна шу пайтдан олма мевахўрининг биринчи кўпайиш даври бошланади. Олма мевахўрлари иқлим шароитига қараб, бир йилда тоғли ҳудудларда икки-уч марта, чўл зоналарда эса уч-тўрт мар-

та кўпайиш даврини ўтказди. Олма қуртларининг иккинчи кўпайиш вақти олма дарахти гуллагандан сўнг — 46 кундан кейин бошланади. Учинчи қайта кўпайиш даври гуллаш тугагандан 92 кун ўтиб давом этади. Ҳар бир қайта кўпайиш даврида олма дарахтига ток урдирилади. Шунда биз олма қуртининг ҳар бир ривожланиш даврига қарши кураша оламиз.

— Ушбу инновацион лойиҳа юзасидан 2011 йилнинг баҳорида Деҳқонобод тумани Оқработ қишлоғида Каттапой олмазоридан тажриба ўтказдим, — давом этади ёш иxtiroчи. — Тажриба натижасида кимёвий дориларсиз, зарарланмаган, юқори сифатли ҳосил олишга замин яратди. Тенгдошимизнинг айтишича, такрор ўтказилган тажрибада ҳам юқори натижага эришилган. Илмий тажрибанинг аввалгиларидан фарқли жиҳати шундаки, олма билан бирга, нок дарахтида ҳам бу тажриба синаб кўрилди. Буни қарангки, ушбу нок дарахти бир неча йиллардан бери ҳосил бермай келаётган экан. Тажрибадан сўнг нок дарахти яна ҳосилга кирибди. Тажрибаларни ўтказишда турли иқлим шароити ва тажриба майдонларининг жойлашуви катта

аҳамият касб этиши ҳисобга олинган. Олма қуртининг биринчи бўғин даврини ўтаб бўлгандан сўнг тажриба ўтказилган дарахтлар ҳосилини асраб қолишга эришилди. Бошқа дарахтларда эса ҳосил жуда паст, мевалар қуртлаб ерга тўкилиб кетди.

Иқтисодий самарадорлик ҳамда сифатли маҳсулот эвазига олма, нок, беҳи меваларини четга экспорт қилиш имконияти юқори бўлади. Ушбу инновацион технологиянинг яна бир қулай томони шундаки, ҳар бир боғбон уни ўз боғида қўллаш имкониятига эга.

— Илмий тажрибани олма ва нок дарахтларида ўтказиб, юқори натижага эришдик, — таъкидлайди Моҳигул Шукурова. — Энди барча уруғли мева дарахтларида ушбу илмий тажрибани қўллаб кўришни режалаштиряпман. Илмий изланишларим ўз натижасини берганлиги боис, Деҳқонобод тумани ҳокимлиги ва туман ўрмон хўжалиги томонидан Оқбош тоғидан тажрибамни кенг қўламда давом эттиришим учун беш гектар тажриба майдони ажратиб берилди.

Деҳқонобод туманида туғилиб ўсган тенгдошимиз мактаб давридаёқ рассомликка қизиқа бошлади. У «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Деҳқонобод тумани кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказининг рассомлик тўғарагига қатнаб, билим ва маҳоратини оширди. Шу билан бирга, Деҳқонобод «Камалак» болалар ташкилоти сардори ва сардорлар кенгаши раиси вазифаларида фаолият юритди. Турли танлов ва тадбирларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади. Жумладан, 2011 йили «Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши томонидан ўтказилган «Одам савдосига қаршимиз» мавзуидаги расмлар танловида 1-ўринни қўлга киритди. Шу йили республика фан олимпиадасининг вилоят босқичида 9-синф ўқувчилари ўртасида «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани бўйича ғолиб бўлиб, Қарши давлат университети қошидаги 2-академик лицейга имтиёз асосида ўқишга қабул қилинди.

— Илмий изланиш ва интилишларимда академик лицейимиздаги устозларим яқиндан кўмак бермоқда, — дейди Моҳигул Шукурова. — Ютуқларим мени янада улкан ишларни амалга оширишга, кўпроқ ўқиб-изланишга чорлайди. 2012 йилда «Ишбилармон талаба — 2012» кўрик-танловининг республика босқичида биринчи ўринни эгаллаб, диплом ҳамда стипендия билан тақдирландим. Утган йили «Камолот» ЁИХ томонидан ўтказилган «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивалида «Энг ёш тарғиботчи» номинацияси ғолиби бўлганим жамоат ишларидаги фаоллигимни янада оширди. Бу йил «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг вилоят ва республика босқичларида фаол иштирок этиб, фахрий ёрлиқ билан тақдирландим. «Келажак овози — 2013» кўрик-танловининг вилоят босқичида эса «Олма мевахўрига қарши самарали усул» мавзуидаги илмий ишим билан қатнашиб, ғолибликни қўлга киритдим.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

«Камолот»-ЭКО — грант соҳибу

Harakatning hududiy bo'limlarida

Жорий йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан «Қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, қишлоқ аҳолиси фаровонлигини янада юксалтиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг иштирокини таъминлаш» мавзуида грант олиш учун ўтказилган танловда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Когон шаҳар кенгаши ўн миллион сўмлик грантни қўлга киритди.

«Ижтимоий ва бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳоли тураржойларини ободонлаштириш борасидаги ишларнинг кўламини янада кенгайтириш» йўналиши бўйича «Камолот»-эко» лойиҳаси билан ғолиб бўлган Ҳаракатнинг Когон шаҳар кенгаши ижтимоий аҳамиятга эга деб топилган ҳамда амалга

ошириш учун давлат бюджетидан маблағ ажратилган қирқ олти лойиҳа орасидан ўрин олди.

«Камолот»-эко» лойиҳаси барча умумтаълим мактабларининг «Камолот» ва «Камалак» ҳамда йўналиши сардорлари ва ўринбосарлари ўртасида ўзи яшаб турган хонадони, кўчаси, маҳалласи ҳудудини обод қилиш ва озода сақлашга,

кўкаламзорлаштиришга қаратилган ҳашарларни ташкил этиш орқали «Обод турмуш йили» Давлат дастури бандлари ижросини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чоратадбирлар дастури бандлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Ушбу лойиҳа уч бо-

сқичда амалга оширилади.

Илк босқич «Обод уйим» шиори остида ўтказилиб, унда ёшлар ўзи яшаб турган хонадонни, кўчаси ва маҳалласи ҳудудини обод қилиб, озода сақлашади. «Камолот» — бирдамликка кўмакчи» деб номланган иккинчи босқичда лойиҳа иштирокчилари ўз атрофида кўнгилли тенгдошларидан иборат кўмак гуруҳини шакллантириб маҳалла ҳудудидида боқувчисини йўқотган, кам таъминланган ва ногирон хонадон эгаларининг уй ишлари ҳамда томорқаларидаги экин ишларида кўмаклашади. Учинчи босқичда «Ҳашар —

ёшларга ярашар!» шиори остида умумтаълим мактаблари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида «Камолот» боғи ҳамда «Камалак» гулзорларини ташкил этиш орқали аҳоли тураржойларининг ободонлаштирилиши ҳамда кўкаламзорлаштирилишига, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган ижтимоий аҳамиятга эга тадбирлар амалга оширилади.

Айни кунда лойиҳанинг «Обод уйим» шиори остидаги биринчи босқичини амалга оширишга қаратилган тадбирлар

режаси ишлаб чиқилляпти. «Камолот»-эко» лойиҳасини амалга ошириш орқали ёшларнинг дарсдан бўш вақтлари ижтимоий фойдали меҳнатга йўналтирилиб, вояга етмаганлар ўртасида турли жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга эришилади. Шунингдек, ёш авлод қалби ва онгидида миллий қадриятларимизга ҳурмат ҳамда турли «оммавий маданият» сингарии ёт гоёларга қарши иммунитет шакллантирилишига эришилади.

Вазира СОДИКОВА,
Когон шаҳар
«Камалак» болалар
ташкilotи раиси

Ёруғ манзилларга элтувчи йўллар

Obod manzillar

Мустақиллик, фаровонлик, тинчлик сўзлари ободликка уйғун тушунчалардир. Зеро, қайси юрт тинч-осуда, халқи мустақил фикрлаш, қарор қабул қилиш имконига эга, ҳаёти фаровон бўлса, мамлакат кундан кунга чирой очиб, ободлашиб бораверади. Бу фикр тасдиғини Тошкент вилоятида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари мисолида кўриб, яққол ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Истиқлол йилларида йўл-созликка алоҳида эътибор қаратилиб, халқимиз узоғини яқин қилиш, автотранспорт воситалари қатновини қулай йўналишларда ташкил этиш кун тартибидеги муҳим масалалардан бирига айланди. Шу маънода, айти пайтда Оҳангарон — Гулистон автомагистралда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар натижасида Фарғона водийси ва Зарафшон воҳасини яқин йўл орқали туташтирувчи қулай инфратузилма юзага келди. Шунга ҳамоҳанг тарзда вилоятнинг Бекобод, Олмалик шаҳарларидаги бунёдкорлик ишлари қизғин паллага кирди.

Айти пайтда пойтахт билан

Бекобод шаҳрини боғлайдиган автомагистралда таъмирлаш ишлари олиб борилиб, йўлнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Бекобод шаҳрининг кўркам кўркам бағишлаб турган муҳташам болалар спорт мажмуаси, сузиш ҳавзаси, истироҳат боғи, диагностика маркази, шунингдек, «Бекободцемент» корхонасининг янги линиялари фойдаланишга топширилди. Бу бунёдкорликлар қаторида замонавий «Ёшлар маркази»нинг барпо этилгани шаҳарнинг янада кўркам қиёфа касб этишига ҳисса қўшиш баробарида, бекободлик ёшларнинг ҳаётига мазмун бағишлади.

Оҳангарон — Гулистон магистралнинг икки тарафи обод этилаётганлиги ҳар бир йўловчи-

нинг дилини яйратади. Айтик, Пискент туманида намунавий лойиҳалар асосида ўттиздан ортиқ замонавий уйларнинг қуриб фойдаланишга топширилганлиги кўпчиликни қувонтирди. Бу уйларга кўчиб ўтганларнинг аксарияти ёш оилалардир.

— Қаранг, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, дастурхонимиз тўкин-сочин. Бунинг учун минг шукр, Президентимизга раҳмат, — дейди пискентлик тўқсон ёшли Ражаб ота. — Йўл четидаги кўркам уйлар худди узукка кўз қўйгандек ярашиб турибди. Юртимиз ободлигининг, тинчлигимизнинг қадрига етишимиз лозим. Шукрки, халқимизга хос шукроналик, ҳар бир неъматнинг қадрига етиш, меҳнатқашлик, фидойилик фазилатлари ҳар жабҳада ўзини намоён этмоқда. Бунинг самараси ўларок, Тошкент вилоятининг қай бир гўшасида бўлмаг, ободлик, бунёдкорлик ишлари айти авжида эканига шўҳид бўласиз. Оҳангарон бўйлаб юрар

экансиз, қалбингизни янада ўзгача завқ-шавқ, мамнунлик ҳислари қамраб олади. Айтик, шаҳарга кўркам бўлиб турган Оҳангарондаги «Мажнунтол» мажмуаси диққатингизни тортиши шубҳасиз.

Айти пайтда аҳолига хизмат кўрсатишга ихтисослашган, кўркам ва замонавий «Мажнунтол» мажмуасида худуддаги касб-хунар коллежларини таъминлаган ёш мутахассислар илк меҳнат фаолиятини бошлади. Шу йилнинг ўзида мажмуада 180 нафар киши иш билан таъминланади. Ҳозиргача касб-хунар коллежларини таъминлаган ўттиз нафар ёш ушбу мажмуага ишга қабул қилинди.

— Коллежни томонлаб бу мажмуада иш бошладим, — дейди ёш мутахассис Фарруҳ Ҳасанов. — Бу ерда қунт билан меҳнат қилишимиз, ўз соҳамиз бўйича изланиб, тадбиркорликни пухта эгаллашимиз учун барча шароитлар мавжуд. Бу борада устозимиз Шавкат Комиловдан миннатдорمиз.

Вилоятнинг яна бир гўшаси

— Ангренда махсус индустриал худуднинг ташкил этилиши бу ердан ўтган йўлнинг янада серқатнов, гавжум бўлишини таъминламоқда. Қолаверса, бу йўл Фарғона водийсини бошқа вилоятлар билан боғлашда муҳим аҳамият касб этади. Ангрен махсус индустриал худуди эса ушбу йўналишда ўзига хос ўринга эга.

— Мен жуда кўплаб йўл қурилишларида иштирок этганман, — дейди меҳнат фаҳрийси Жалол ота. — Бироқ бугунги йўл қурилишлари чинакам бунёдкорлик маҳсули. Ахир, бундан йигирма беш-ўттиз йиллар илгари Қамчиқ доvonида бундай улкан қурилишлар амалга оширилиши хаёлимизга ҳам келмаганди. Буларнинг барчаси юртимиз озодлиги, мустақиллигимиз туфайлидир.

Оҳангарон — Гулистон автомагистрал буйлаб борар эканмиз, кўз олдимизда истиқлолимиз шарофати билан обод бўлаётган манзиллар бир-бир ўтади. Бу манзиллар ҳали янада обод бўлиб бораверади. Энг муҳими, уларда соғлом, баркамол, шижоатли йигит-қизлар улғаймоқда. Эртага улар вояга етса, юртимизнинг келажаги бундан-да нурафшон, заминимиз янада обод бўлади.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» муҳбири

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Китоб тумани кенгаши қошида ташкил этилган «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказига борганимизда қизғин иш устидан чиқдик.



Shunday markaz bor!

Беш йўналиш бир тўғаракда

2007 йилдан буён фаолият кўрсатаётган ушбу марказдаги «Тикувчилик» ва «Компьютер саводхонлиги» тўғараклари ёшлар ихтиёрида. Азиза Муродова раҳбарлик қилаётган ЁИХМдаги тўғаракларда ўтган йиллар давомида беш минг нафарга яқин туман ёшлари касб-хунар сирларини ўрганишди. Айти кунда «Тикувчилик» тўғарагида беш хил — тикувчилик, юмшоқ ўйинчоқлар яшаш, тўқувчилик, зардўзлик, бисер йўналишлари бўйича хотин-қизларга хунар ўргатиляпти.

— Тўғаракларда қатнашиш истагини билдирган ёшлар жуда кўп, — дейди Азиза Муродова. — Ёшлар бу ерда уч ой давомида компьютерда ишлаш, бичиш-тикиш, тўқувчилик, юмшоқ ўйинчоқлар яшаш, зардўзлик, мунчоқларга безак бериш сирларини пухта эгаллашади. Уларга тажрибали, қўли гул усталар

ўз хунарларини ўргатишмоқда. Тўқувчилик тўғарагидаги М.Ҳакимова, Д.Сайдуллаева, М.Раимова, Р.Тошпўлатова, тикувчилик тўғарагидаги М.Рашидова, З.Ҳамроева, бисер тўғарагидаги Х.Каримова, З.Хусанова, Ш.Самадова зехни ўткир, қизиқувчан, тиришқоқ ўқувчи қизларимиздан ҳисобланади.

ЁИХМдаги тўғарак аъзолари туманда ўтказилаётган турли тадбирларда мунтазам қатнашиб туришади. Улар ўз ижодий ишлари билан амалий кўргазмалар ташкил этиб келмоқда. Асосийси, бу ерда барча тўғараклар бепул хизмат кўрсатади.

Яқинда Ҳаракатнинг Китоб тумани кенгашида «Тикувчилик» тўғараги аъзолари ўртасида «Чевар қизлар маликаси» деб номланган ижодий-амалий ишлардан яна бири кўргазмада намоиш этилди. Унда тўғаракнинг йигирма нафар қўли гул, фаол ўқув-

чиси «Камолот» — бизнинг тасаввуримизда» шиори остида бир-биридан чиройли ишлар кўргазмасини ташкил этди.

Кўргазмада энг яхши, чиройли ва дид билан бажарилган ишлар ҳакамлар хайъати томонидан баҳоланиб, ғолиблар Ҳаракатнинг туман кенгашининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

«Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази фаолияти билан танишар эканмиз, амалга оширилаётган кўплаб ибратли ишларнинг гувоҳи бўлдик. Ушбу марказ ҳар доим ёшларнинг гавжум ва қайноқ манзилига айланиб қолишини истадик.

Камолитдин
ҲАМДАМОВ,
ЎЗМУ талабаси.
Хусан Раҳмонов
олган сурат

Экология халоскори

Пойтахтимиз Тошкентда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамда Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси ҳамкорлигида «Биргаликда шахримизни обод этайлик!» шиори остида веломарафон ўтказилди.



«Бунёдкор» метро бекати олдида старт олган веломарафончилар белги-ланган масофани босиб ўтиб, «Turkiston» санъат саройи олдида етиб келишди. Сўнгра ташкилотчилар томонидан «Атроф-муҳит ва экология масалалари ечимини топишда тармоқлараро ҳамкорликни кучайтириш учун экологик хабардорликни ошириш» лойиҳаси асосидаги велоакция бошланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар вакиллари, хорижий мамлакатлар элчихоналари ходимлари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, талабалар иштирок этди. Экологик тоза транспорт саналмиш велосипедни оммалаштириш бўйича турли интерфаол уйинлар ташкиллаштирилди. Велосипед ҳайдовчилари учун мутахассислар томонидан йўл ҳаракати қоидалари ҳақида тушунчалар берилди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши ижроия қўмитаси раиси Борий Алихонов машина ва велосипедни ўзаро таққослади.

— Шубҳасиз, автомобиль вақт тежамкори, — деди Б.Алихонов. — Аммо у атмосфера кушандаси ҳамдир. Велосипед эса, аксинча, ҳам бадантарбиячи, ҳам экология халоскори.

Акция якунида Тошкентдаги меҳрибонлик уйларига бепул велосипед олиш имкониятини берувчи сертификатлар топширилди. Веломарафон иштирокчилари ҳам тақдирланишди.

— Бундай тадбирлар кўп бўлишини хоҳлардим, — дейди пойтахтимиздаги 21-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Акмал Ҳакимов.

Велоакция концерт дастури билан якунига етди.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» муҳбири

Шахмат, шухрат ва юрт шаъни



Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Шахмат федерацияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Халқаро шахмат федерацияси ҳамкорлигида шахмат бўйича аёл-қизлар ўртасида ФИДЕ — Халқаро шахмат федерацияси Гран-при турнирининг учинчи босқич матchlари ўтказилмоқда.

Ғолиблик учун кураш қандай кечаяпти, кимнинг имкониятлари қандай, қайси шахматчи ўз даражасида ўйнаяпти, кимнинг имкониятлари ҳали тўла «очиқ» улгурмади? Бу каби саволларга шахмат мухлислари Ўзбекистон телевидениеси орқали ҳар кун тўғридан-тўғри намоиш этилаётган репортажлардан хабардор эканига шубҳа йўқ.

Бошқа савол бор. Кейинги йилларда юртимизда кенг кўламли маданий тадбирлар, санъат фестиваллари, спорт мусобақалари, чемпионатлар ташкиллаштириладигани, уларнинг юқори савияда муваффақият билан ўтказиладигани сабаби нимада? Бунга икки оғиз сўз билан жавоб бериш имкони бўлса, «Чунки мамлакатимиз, меҳмондўст халқимиз ана шундай йирик анжуманлар мезбонлигига тайёр, бунга шароитимиз бор», деб қўя қолиш ҳам мумкин. Бироқ дунё аҳли кўраётгани, кўраётгани тинчлик ҳукмрон бўлса, куй-қўшиқлар, фестиваллар, спорт тадбирлари, маданият анжуманлари шу ерларга ярашади. Қайси элнинг турмуши фаровон, эртасидан умиди катта бўлса, турли тадбирлар, фес-

тиваллар, анжуманлар, мусобақалар кўнглига сиғади.

Нуфузли мусобақалар, одатда, дунё эътироф этган шаҳарларда ўтказилади. Узоққа бормайлик, яқин йиллар ичида теннис, шахмат, футбол бўйича ўтказилган мусобақа ва чемпионатлар, Олимпиада ўйинларига мезбон бўлган шаҳарларни олайлик. Номларини эшитгандаёқ, «ў, афсонавий шаҳарлар-ку», дейсиз. Лондон — бир йилгина муқаддам ёзги Олимпиадага мезбонлик қилди. Теннис бўйича «Уимблдон» мусобақаси шу ерда ўтказилади. Бир йилда камида тўрт-беш маротаба бу шаҳар жаҳон спорт мухлисларининг диққат марказида бўлади. Нью-Йорк ҳам шундай. У ерда яқиндагина теннис бўйича энг йирик тўртта мусобақанинг бири бўлиб ўтди. Бир неча кун давомида жаҳоннинг машҳур ва кучли теннисчилари ўйнаётган шаҳар миллионлаб кишилар нигоҳида бўлди.

Уч ой аввал Бразилиянинг Рио де-Жанейро шаҳрида футбол бўйича Конфедерация кубогининг асосий матchlари ўтказилди. Мадрид, Москва, Париж, Лиссабон —

йил давомида бу шаҳарлар галма-гал спорт ишқибозларининг ғала-ғовури билан яшади. Ёш спортчилар учун улар афсонанинг ўзи бўлиб қолди: ахир, ўз кумирлари шу шаҳарларда бўлиб, энг нуфузли турнирларда зафар кучар экан, улар нега ҳавас қилмасин? Бирорта ёш футболчи бормикан, Неймарнинг «Маракана» стадионидаги ўйинини кўриб, шу стадионда тўп суришни орзу қилмаган? Бирорта ёш теннисчи қиз бормикан, Серена Вилямснинг Нью-Йорк кортларидаги ўйинини кузатиб, унга ўхшаб шундай улкан кортларда ракетка ўйнатишни орзу қилмаган?

Ана шундай орзу шаҳарлари орасида бизнинг Тошкентимиз ҳам бор.

Пойтахтимиз кейинги йилларда бутун дунё шахмат ихлосмандларининг эътиборини ўзига қаратиб келаяпти. 2011 йилда жаҳоннинг амалдаги чемпиони Вишванатан Ананд ва ўн еттинчи чемпион Рустам Қосимжонов ўртасидаги матчдан бир йил ўтгач, пойтахтимиз яна бир нуфузли турнирга мезбон бўлди. Икки ҳафта мобайнида Рустам Қосимжонов, Сергей Карякин, Фабиано Кару-

ана, Александр Морозевич, Шахриёр Мамадиёров, Ван Хао сингари ўн икки нафар кучли гроссмейстер иштирокида ФИДЕ Гран-при турнирининг иккинчи босқичи юқори савияда ташкиллаштирилди.

17 сентябрь куни старт олган ва бугун қизгин давом этаётган жаҳоннинг энг кучли ўн икки гроссмейстер аёл-қизлари иштирокидаги ФИДЕ Гран-при мусобақасининг Тошкент шаҳрига ишониб топширилгани ҳам бежиз эмас. Бу авваламбор, айтиб ўтганимиздек, юртимиздаги тинчлик, осудалик, фаровонлик муҳити, қолаверса, Юртбошимиз раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишга қаратилган алоҳида эътибор, унинг асосида спортни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ишларнинг самарасидир.

БЎШ КЕЛМА, НАФИСА!

30 сентябрга қадар давом этадиган мазкур нуфузли турнирда ўн икки нафар гроссмейстер ғолиблик учун кураш олиб бормоқда. Улар — ҳамюртимиз Нафиса Мўминова, ҳиндистонлик Ҳампи Конеру, Ҳарика Дронавалли, хитойлик Жу Венжун, Чжао Сюэ, украиналик Катерина Лагно, болгариялик Антуанета Стефанова, қозоғистонлик Гулисхон Накбоева, грузиялик Бела Хотенашвили, россиялик Александра Костенюк, Олга Гиря ва арманистонлик Элина Даниэляндир.

Мусобақанинг нуфузи тўғрисида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ. Фақат бир нарсани айтиш керакки, ундаги ҳар бир ғалаба, кўлга киритилган очко шахматчиларга шахмат тожи учун ҳал қилувчи курашда иштирок этиш имконини бериши мумкин. Аниқроғи, 2013-2014 йилларда ўтказиладиган Гран-при мусобақаларида ўн саккиз нафар гроссмейстер қиз иштирок этади. Ҳар бир босқичда ўн икки нафардан қатнашиб, юқори ўринлар учун кураш олиб боришади. Ҳар бир шахматчи тўрттадан Гран-прида иштирок этиб, очко йиғиб боради. Энг кўп очко тўплайдиган шахматчига яқунда ажойиб имконият туҳфа этилади: 2015 йилда амалдаги жаҳон чемпиони қарши чемпионлик тожи учун курашади.

Элмурод НИШОНОВ, «Turkiston» муҳбири

P.S. Кеча юртдошимиз Нафиса Мўминова қозоғистонлик Гулисхон Накбоевани мағлуб этиб, дастлабки очкосини кўлга киритди. Турнирнинг бошқа натижалари билан газетамизнинг кейинги сонларида таништириб борамиз.

ГРАН-ПРИ ҲАҚИДА НИМА ДЕЙИШМОҚДА?

Кирсан Илюмжинов

Халқаро Шахмат федерацияси — ФИДЕ президенти:

— Йирик спорт анжуманларини, шахмат мусобақаларини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш Ўзбекистонда анъанага айланиб қолди. Бу ҳолат мамлакатда спортга катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётганидан далолатдир.

Шахмат бўйича катта ва нуфузли мусобақани ўтказишнинг икки муҳим фойдали жиҳати бор. Биринчидан, ёш шахматчилар халқаро гроссмейстерларнинг ўйинига бевоқифа гувоҳ бўлишади. Улардан жуда кўп нарсани ўрганишади. Иккинчидан, мусобақа туфайли, минглаб болалар шахматга қизиқиб қолишади, бу эса келгусида мамлакатда шахмат янада оммалашади, ривожланади, демакдир.

Ҳампи Конеру

ҳиндистонлик халқаро гроссмейстер, мусобақа иштирокчиси:

— Мусобақа жуда юқори савияда ташкил этилган. Бунинг учун ташкилотчиларга алоҳида миннатдорлик билдираман. Мақсадим — ушбу Гран-прида иложи борича юқори ўринни эгаллаш.

Нафиса Мўминова

халқаро гроссмейстер, мусобақа иштирокчиси:

— Гран-при мусобақасида юртимиз шарафини ҳимоя қилиш бахти насиб этганидан бахтиёрман. Мақсадим — бу турнирда муносиб иштирок этиш.

Маматқул Хайлаев

шахмат шарҳловчиси:

— Ўтган йили юртимизда бўлиб ўтган ФИДЕ Гран-при мусобақалари кўплаб ёш шахматчилар учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтаган эди. Бу галги хотин-қизлар ўртасида ўтказиладиган Гран-при мусобақасидан ўрин олган ўйинлар ҳам ёшларимизга жуда кўп сабоқ беради, деб ўйлайман. Шундай нуфузли турнирнинг юртимизда ўтказиладигани, унда ўзбек хотин-қизлари ичида биринчи халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминованинг иштирок этаётгани ҳам ҳаммамизни қувонтираяпти. Умид қиламанки, мазкур мусобақа яна кўплаб ёш, истеъдодли фарзандларимизга шахмат эшиklarини очади. Рустам Қосимжонов, Нафиса Мўминова сингари жаҳонга машҳур халқаро гроссмейстерларнинг муносиб издошларини кашф қилади.

Оқ қоғоздек оқ қалблар



Чиройли кўғирчоғим бўларди. Ўзимча уни Кумушбиби, дея эркатлардим. Бувимдан эшитган эртақларни айтиб берардим. Аммо у, негадир, ҳеч гапирмасди. Роса хафа бўлардим. Шундай кунларнинг бирида овулимизга кўғирчоқ театри келди. Мени ҳайратда қолдиргани — ундаги кўғирчоқлар менинг кўғирчоғимга сира ўхшамасди: улар гапирарди! Орадани йиллар ўтиб, билсам, ўшанда овулимизга келган театр Қорақалпоқ давлат кўғирчоқ театри экан. Яқинда таътил баҳона уйимизга бордим-у, ўша ўзимнинг эски кўғирчоғим ва яна овулимизга келган кўғирчоқ театри ёдимга тушди. Театр ижодкорлари билан учрашим фикри менга тинчлик бермай қўйди. Нуқсга бордим...

— Болалар қалби оппоқ қоғозга ўхшайди, — дейди театр директори Пўлат Айтмуродов. — Уларни асраб-авайлаш, уларга фақат яхшилиқни кўрсатиб бериш — биз, катталарнинг, айниқса, санъаткорларнинг вазифамиз. Эзгуликни кўриб улғайган бола эртага ўзи ҳам ана шундай ишларни қилгиси келади. Ҳаёти хайрли ишлар, яхшилиқлар билан тўла бўлади. Яхшилиқ кўриб улғайган инсон ёмонликдан нафратланади. Виждонли бўлади.

Театр жамоаси репертуарида М.Бегимовнинг «Ботир куён» спектакли бор. Унда ўрмонда ада-

шиб қолган куён заррача кўрқмайди. Хаттоки, ҳамла қилган арслонни ҳам сўз билан енгади. Спектакль ёш томошабинга куч билақда эмас, ақлда эканини кўрсатади. Умуман, фақат қизиқ лавҳаларни кўрсатиш эмас, залда ўтирган ёш мухлисга эстетик завққа кўшиб, фикр бериш ҳам кераклигига шу спектакль мисолида яна бир бор амин бўламиз.

Сизни ўйлантираётган саҳна асари осонликча яратилмайди. Гапирётган кўғирчоқ шунчаки қимирламайди. Уни ҳаракатлантираётган қўллар бўлади. Бу қўллар эса инсонники, театр ак-

тёрлариники. Режиссёр Қоблан Қаллиллаевнинг қўллари ҳам шундай. У театрда йигирма тўрт йилдан буён ишлайди. Кўғирчоқларни маҳорат билан бошқаради. Уларни «сўзлатади». Унинг айтишича, кўғирчоқларнинг занжирли, ип билан бошқариладиган, ниқобли турлари бор. Масалан, у «Сеҳрли кўғирчоқ» спектаклидаги бўрини кўлда, жўжани ипда бошқарган экан. Жонсиз кўғирчоқни ҳаракатлантириш, гапиртириш, қаҳрамон ҳаётига кириш, унинг характери кўрсатиб бериш осон, деб ўйлайсизми? Аммо кўғирчоқ театридаги актёрлар буни удалаша-

ди. Негаки, улар касбни севади.

2005 йилда театр жамоаси Бухоро шаҳрида ўтказилган кўғирчоқ театри фестивалида П.Айтмуродовнинг «Бобом айтган афсона» спектакли билан йилнинг «Энг яхши болалар драматургияси» йўналишида голиб бўлди. 2009 йили эса Андижон вилоятида ўтказилган фестивалда П.Айтмуродов ва М.Бегимовнинг «Саҳродаги дўстлик» спектакли «Энг долзарб мавзу» йўналишида биринчи ўринни эгаллади. Актёр Ш.Алламбергенов эса «Энг ёш истеъдодли актёр» деб топилди.

Биз борган вақтда театрда «Шум эшак» спектакли намойиш этилаётган эди.

— Сигирвой, хашагингдан берсанг, кў-ўп дуо қилардим...

— Вой, айёр эшаги тушмагур-ей. Беозор сизнинг лаққа туширяптику! — Томошабин болалардан бири бақирди. Залда кулги кўтарилди. Бегубор боланинг муносабати жуда самимий эди. Шунда бошқа, каттароқ бир бола унга қаради:

— Менинг ҳам эшагим бор, лекин у сизнинг алдамайди. Яхши эшак.

Кутилмаган бу суҳбат ҳамманинг эътиборини тортди. Хўш, шундай ва-

зиятда актёрлар қандай йўл тутишар экан. Диққат билан кузатаман.

— Вой, сенинг эшагинг яхши эканми? — саҳнадаги Сигирвой тилга кирди. — Мени у билан таништиролмайсанми? Исминг нима эди, сен боланинг?..

«Шум эшак» спектакли актёрлари бу вазиятдан шундай осон чиқиб кетишдики, ичимда «қойил», дедим.

Қорақалпоқ давлат кўғирчоқ театри спектакллари болалар кўнглидан қай тариқа жой олаётганининг гувоҳи бўлдим.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири

Ўқувчига мобил телефон керакми?

Mulohaza

Бугун биз техника ва технологиялар тараққий этган даврда яшаймиз. Замонамизнинг энг катта ихтироларидан бири мобил телефонлар ҳисобланади. Уларнинг афзалликлари кўп. Лекин бугун уяли телефонлар ким томонидан ва қайси мақсадда ишлатилаётгани жиддий масаладир.

2012 йил 21 майда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжат ўқувчи-ёшлар томонидан мобил телефонлардан фойдаланиш билан боғлиқ айрим масалаларга ҳуқуқий ечим бўлиб хизмат қилмоқда.

Қарорга мувофиқ, алоҳида Низом ҳам тасдиқланди. У мактаб, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартибини белгилаб, таълим жараёнида ўқувчи ва талаба-ёшларнинг соғлиғига хатарларни камайтиришга хизмат қилади.

Мазкур Низом таълим жараёнида телефонлардан фойдаланиш билан боғлиқ ўқув материалларидан шпаргалка

сифатида фойдаланиш, шунингдек, машғулотлар пайтида таълим олувчилар томонидан турли ўйинларни ёзиб олиш ва телефон хотирасида сақлаш, ёшлар ўртасида уларнинг маънавияти ва ахлоқини бузувчи, зўравонлик, шафқатсизлик ва беҳаё мазмундаги, шунингдек, сохта диний мафқуранини тарғиб қилувчи, атрофдагиларни салбий ҳаракатларга ундовчи материаллардан иборат бўлган расмлар, аудио-видеоёзувлар, тасвирлар, овозли видеороликларни намойиш этиш, тарқатиш ва қўллаш сингари нохуш ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Низомда таълим муассасалари ҳудуди ва хоналарида телефонлардан фойдаланиш тартиби аниқ белгилаб қўйилган. Унга кўра, ҳар бир инсон таълим муассасасига

кирганда телефонини «овозсиз» режимга ўтказиши шарт. Таълим муассасасида ўтказилган ўқув машғулотлари ва тадбирлар, жумладан, сафланиш, тарбиявий соатлар, маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари бошланишидан олдин таълим олувчилар телефонини ўчириб, сумкасига солиб қўйиши шарт.

Кўпчилик учун соат, ручка ёки дастурмол каби кундалик ҳамроҳга айланган уяли телефондан фойдаланиш маданиятига таълим тизимида алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу қабул қилинган Низомда ҳам ўз ифодасини топган. Низом талабларига кўра, ўқувчи-ёшларга телефонини бўйнига осиб олиш, кўкрак чўнтақларида, шим ва юбкаларнинг чўнтақларида сақлаш, телефон аккумулятори ни зарядлаш учун таълим муассасаси электр тармоқларига улаш қатъиян тақиқланади.

Баъзан кўча-кўйда, мактаб, коллежлар атрофида тўпланиб турган ўқувчиларнинг экранга термулиб зўравонлик, шафқатсизлик, беҳаёликни тарғиб қилувчи видео ва суратларни томоша қилаётган-

нига кўзимиз тушади. Бу кўпчилик ёшлар мобил телефонларнинг асосий вазифасини тўғри тушунмаётгани, ундан беҳуда мақсадларда фойдаланаётганидан далолат беради.

Мазкур ҳолатларни бартавраф этиш бўйича ҳам Низомга алоҳида бандлар киритилган. У ўқувчиларга телефони ёрдамида атрофдагиларга зўравонлик, шафқатсизлик, беҳаёликни тарғиб қилувчи видео ва суратларни намойиш қилиш, ўқув машғулотлари вақтида телефонда сўзлашиш, SMS (MMS) ва бошқа турдаги хабарларни жўнатиш, телефонни стол устига қўйиш, мусиқа тинглаш, телефондан сурат ва видео тасвирларни намойиш этиш мақсадида, шу билан бирга, диктофон, калькулятор, календарь, блокнот, ён дафтарча кабилар сифатида фойдаланиш, суратга олиш ва видео тасвирга тушириш, телефон орқали бошқа хизматлар (GPRS, bluetooth, интернет ва шу кабилар)дан фойдаланишни манъ этилади.

Хўш, мазкур Низом қоидаларини бузган ўқувчилар қан-

дай жазоланади? Қоидабузар ўқувчиларга огоҳлантириш берилади, уларнинг кундалик дафтарига ёзув киритилиб, ота-оналари хабардор қилинади ва тушунтириш олиб борилади. Шунингдек, Низом қоидалари бузилганда ўқитувчи ўқувчидан телефонни олиб қўйиш ҳуқуқига эга.

Ушбу мавзу юзасидан ота-оналар билан мулоқот қилганимизда, улар, асосан, фарзандидан хавотирланаётгани учун телефон олиб берганини таъкидлайди. Лекин ота-оналар бунинг оқибатида таълим муассасасида ўқувчилар ўртасида турли ижтимоий муаммолар келиб чиқаётгани, бу нафақат телефон эгаси, балки бошқа ўқувчиларнинг ҳам сифатли таълим олишига халқит бераётганини ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди.

Таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш, баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг самарали ишлаши учун барча педагоглар, ота-оналар ва ўқувчи-ёшлар масъулиятни бир хилда ҳис этишлари лозим.

Оттабек АЗИМОВ,
Олтиариқ sanoat касб-хунар коллежи ўқитувчиси

Нимани эксанг...

Hayot — maktab

Бир танишим доим боласининг тарбиясидан нолийди. Айтишича, ўгли учун барча шароитлар яратилган, аммо у негандир ўқишга қизиқмайди. Эндигина биринчи синфга қадам қўйган Сардорбек ҳар куни дарсни ташлаб, болалар майдончасида ўйнаб юрар, синф раҳбари эса ундан шикоят қилар экан...

Бу гаплар ёдимдан кўтарилган экан. Бир куни диққинафас уйдан қочиб, хиёбонга йўл олдим. Уриндикқа ўтириб, атрофни кузата бошладим. Ўзгача кўрк ва салқинлик бағишлаб турган турли манзарали дарахтлардан иборат мўъжазгина боғ беихтиёр ижод қилишга ундайди. Кимдир ўт устига ўтириб табиат манзарасини қоғозда акс эттираяпти, кимдир китоб ўқийди, ёзади, яна кимлардир қизгин суҳбатга берилган. Ижод қилишингиз,

хордиқ чиқаришингиз учун яхшигина бу маскан кўзингизни қувонтиради. Аммо айрим ёшларнинг бу каби имкониятлардан ноўрин фойдаланаётгани дилни хира қилади. Баъзи ўриндиклар, устунлар, дарахт таналари ёшларнинг севги «дафтари»га айланган. Бу ерда уларнинг математика дарсида қўшиш амалини «яхшигина» ўзлаштиргани кўриниб турарди. Уша «санъат асарлари» орасида Сардорбекнинг ота-онасининг исм-фами-

лияларини кўп бор учратиб, Назира опанинг нолишлари ёдимга тушди. Исмлар дарахт ва ўриндикларга ўйиб, қириб ёзилганлиги сабабли вақт ўз таъсирини ўтказмаган.

Шу ерда Сардорбекнинг нима учун ўқишга беъэтибор эканлигига жавоб топгандек бўлдим. «Қайтар дунё» накли яна бир бор ўз исботини кўрсатгандек гўё. Бугун хиёбонни дил изҳорлари билан «бе-заётган» ёшлар эртага қандай қилиб фарзандларини тарбиялашлари, ўз меҳнатлари билан яратиб берган шароитларини болалари қай даражада қадрлашлари ҳақида ўйлаб кўрармикан?!.

Феруза Жўраева,
УзМУ талабаси



Меҳмонхонадаги ТИМСОҲ

Зимбабведаги кичикроқ «Human Lodge» меҳмонхонаси хоналарининг биридан салкам уч метрли Нил тимсоҳи топилди.

Аниқроғи, тимсоҳни хона эгаси ўз кровати остидан топиб олди. Исми ошкор этилмаётган меҳмонхона мижози бақариб, барчани ёрдамга чақиради. Етиб келган меҳмонхона ходимлари эса унга кўркмаслигини сўраб, бундай ҳол тез-тез кузатилиб туришини айтишган. Уларнинг фикрига кўра, тимсоҳлар ярим километр узоқликдаги Тургве дарёсидан ёмғир ёки совуқдан қочиб келган. Полиция ва ўт ўчириш хизмати ходимлари 150 килограммли йиртқичнинг оғзини боғлаб, уни меҳмонхонадан олиб чиқишди.

Ойнинг ўн беши ёруғ

Хитойнинг Хэнань провинциясидаги Чжунфэн қишлоғида қудуқда нақ 15 кун қолиб кетган аёл топилди.

38 ёшли Су Цисю шу вақт мобайнида деярли сувсиз, егуликсиз қолган. Маълумотларга қараганда, маккажўхори тераётган Су Цисю чуқурлиги 4,5 метр бўлган қудуқни кўрмайди. Натижада қудуқ ичига тушиб кетган аёл бахтли тасодиф туфайли жиддий жароҳат олмайди. Икки кун ўзи терган жўхориларни ейди. Қудуқ деворлари сирпанчиклиги сабаб, чиқа олмаган. Ўн беш кундан сўнг унинг овозини эшитганлар полицияга хабар беришди. Ҳозирда Су Цисю мустақил равишда овқатлана олмаётган бўлса-да, шифокорлар уни анча тетик, дейишмоқда.

Этиборсизлиги қимматга тушди

Чехияда эгасидан қочиб кетган кенгуру дўконни ўмаришда айбланди.

Жонивор озиқ-овқат дўконидан ўттиз килограмм миқдордаги егуликни халтачасига жойлаб, икки сакрашда дўкондан чиқиб кетди. Натижада чех полицияси, бир қанча ветеринар ва кенгурунинг эгаси унинг изидан беш соат қувди. Жонивор роса айланиб келиб, яна ўша дўконга кирганидан сўнг уни дўкон эгаси тутди. Кенгурунинг эгаси тартибсизлик учун жарима билан бирга, умумий ҳисобда ўттиз килограмм бўлган йогурт, пишлок, дудланган товуқ, тухум ва бир неча хил сут маҳсулотларининг ҳам пулини тўлади. Жониворга кўз-қулоқ бўлишга ваъда бергачгина кенгурусини олиб уйига кетди.

Европада қаҳратон қиш

Метеорологлар келаётган қиш европаликлар учун сўнги юз йилликдаги энг совуқ қиш бўлишини тахмин қилишди.

Мутахассислар фикрига кўра, навбатдаги қиш ўзи билан Арктикадан совуқни ҳам олиб келади. Европада қиш, одатда, илиқ бўлади. XX аср бошидан буён қишнинг чўзилиб кетиши, ҳатто Европанинг баъзи мамлакатларида апрель ойида ҳам қор ёққани бундай ҳулосага келишга асос бўлди. Бироқ ҳар ёмоннинг бир яхшиси бўлгани каби қишнинг совуқ келиши бир қанча касалликлар эпидемиясининг олдини олади.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади

Янги усуллар амалда

Bo'lg'usi mutaxassislar

Бўз қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида 680 нафар қишлоқ ёшлари саккиз йўналишда таълим олаётган. 34 нафар ўқитувчи меҳнат қилаётган мазкур таълим даргоҳида педагогик жамоанинг бош мақсади дарс сифатини ошириш, ўқувчиларни касбга йўналтириш, уларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, қатор фан ва касб тўғрисида, қўшимча машғулотлар ташкил этиш орқали ёшларни ўз касбининг етук мутахассиси бўлишлариغا эришишдир.



Бу борада она тили ва адабиёт ўқитувчиси Гулчехра Сулаймонова, рус тили фанидан Зухраҳон Сатторова, махсус фан ўқитувчилари Ёқубжон Тожибоев, Бурҳониддин Ма-

матқулов каби устозларнинг интилишлари бошқаларга ўрнак. Уларнинг кластер, нилуфар гули, балиқ склети каби усуллардан фойдаланган ҳолда ташкил этаётган дарслари

ўқувчилар мавзунини тўлиқ ўзлаштириши, шу билан бирга, фанларга, касбига бўлган қизиқиши ортишига асос бўляпти.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

Суратда: Биология ўқитувчиси Мавлуда Норинбоева ўқувчиларга «Асосий генетик тушунчалар» мавзусида қушларнинг генетик хусусиятларини тушунтираяпти.

БАТАН

*Ватан, меҳринг мени тортар ўзига,
Сенга талпинман қайда юрсам ҳам.
Боланман бағринда эркалаб юрган,
Мен сендан кечмасман ҳатто ўлсам ҳам.*

*Райҳон ҳидларини туюман ногоҳ,
Ёмғирлар ёғганда тупроқларингдан.
Мен ҳам олисларни кўзлаб яшайман,
Кимлар ўтмаган бу сўқмоқларингдан.*

*Сен дунё кўзида қароқсан кулган,
Ҳайрат нигоҳлари сенга қаралар.
Орзулар чечаги унади сенда,
Бахтингдан менинг ҳам бахтим яралар.*

*Ватан, дилимда ҳам, тилимда ҳам сен,
Йиғласанг, йиғлайман, кулсанг, куламан.
Зиёлари сўнмас осмонларингдан
Бир куни мен ҳам бир юлдуз бўламан.*

*Фақат шонсанг, бас, менга, Ватаним,
Кўзларимда асраб юраман сени.
Маҳзини куйлайдан чарчамасман ҳеч,
Онамни севгандай севаман сени.*

*Шеърларим менадан-да кўп яшар, Ватан,
Мен сендан яралдим, сенга қайтаман.
Адолат, буюк юрт қаер, десалар,
Ўзбекистон, дея мағрур айтаман.*

ОНАМ

*Бир зот борки, дунёда азиз,
Эзу тилак яшар қалбида.
Қайга кетсам, интизор бўлиб,
Онам кутар эшик олдига.*



*Ҳар тонг тилар, қўли дуода,
Лолман қандай яратган Худо.
Эртами-кеч, саҳарми, ҳатто,
Онам кутар эшик олдига.*

*Кетса бирдан орқага ишим,
Кетар ташлаб дўстим, танишим,
Елкасига ортиб ташвишим,
Онам кутар эшик олдига.*

*Оҳ, Адолат, чекингай алам,
Кўзларимга кўзи тушган дам.
Тилагим шу, деб, жоним болам,
Онам кутсин, эшик олдига.*

КЕЧОЛМАЯПМАН

*Оғир экан менга сенсизлик,
Соғинмасдан яшолмаяпман.
Ҳар лаҳзада ҳаёлинг такрор,
Нега сендан кечолмаяпман?*

*Ишқ тахтида султандир фироқ,
Дилим эзар ҳар кун бир сўроқ.*

Nafis tuyg'ular

*Тушимда ҳам қилиб қўнғироқ,
Афсус, сенга тушолмаяпман.*

*Хабар ёзиб сўрама ҳолим,
Калимага келмас забоним.
О, бу тақдир нақадар золим,
Кулай, дейман, кулолмаяпман.*

*Юрагимни отиб оловга,
Тақдир солар ҳар кун синовга.
Кўнгил бериб бошқа бировга,
Бегонани севолмаяпман.*

Адолат ПОЛВОНОВА,
Хоразм

БАРКАМОЛ АВЛОД

*Киндик қоним тўқилган макон,
Бағринг иссиқ, толеинг баланд.
Сен-ла кулар иқболим менинг,
Жаннатмонанд, ҳур Ўзбекистон.*

*Боболари буюк юртимнинг,
Фарзандлари баркамол авлод.
Бахт-иқболи кулган диёрда,
Биз бахтиёр, навқирон авлод.*

*Темур бобом ишончин оқлаб,
Навойнинг руҳин шод айлаб,
Аждодларин унутмас зинҳор,
Ҳур, бахтиёр, баркамол авлод.*

Муслима ОМОНҚУЛОВА,
Тошкент банк коллежи ўқувчиси

12 метрли юлғун



Tabiat mo'jizasi

Sport

Ҳамюртимиз кучлилар сафида

Венгриянинг Будапешт шаҳрида бўлиб ўтаётган кураш бўйича жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Рашид Курбонов бронза медални қўлга киритди.

Икки карра Осиё чемпиони бўлган спортчимиз 74 килограмм вазн тоифасидаги галабасига қадар Заур Эфендиев (Сербия), Юнсеок Ли (Жанубий Корея), Габор Хатос (Венгрия) Якуб Маракашвили (Грузия) каби повонларни мағлуб этди. Иккинчи ўринга Иззатуллоҳ Акбари (Эрон) муносиб кўрилган бўлса, олтин медалга Жордан Барроуз (АҚШ) эгаллик қилди.

Теннисчимиз ярим финалда

Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин «St.Petersburg Open» турнирининг жуптлик баҳсларида ярим финалга йўлланма олди.

Буюк Британиялик Доминик Инглотом билан бирга ҳамюртимиз турнирнинг илк босқичида Максим Мирний (Беларусь) ва Хория Текау (Руминия) жуптлигини мағлуб этди. Сўнгра чорак финалда Рикардас Беранкис (Литва) ва Янко Типсаревича (Сербия) жуптлигидан устун келган ўзбек-инглиз жуптлиги ярим финал йўлланмасига эга бўлди. Яқалик баҳсларида эса Истомин ярим финал йўлланмаси учун Гильермо Гарсиа Лопес (Испания)га қарши кортга тушади.

Омад тилаймиз

Велоспорт бўйича Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари 23 сентябрдан 30 сентябрга қадар Италиянинг Тоскана шаҳрида ўтказиладиган катталар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этади.

Мусобақада юртимиз шарафини Муроджон Холмуродов, Владислав Гальянов, Хусниддин Ҳақимов ва Сергей Медведев ҳимоя қилади. Терма жамоамиз мураббийлари эса Сергей Лагутин ва Владислав Искандаров. Эслатиб ўтамиз, Сергей Лагутин 2003 йил Канадада ўтказилган жаҳон чемпионатининг ёшлар ўртасидаги ғолиби ҳисобланади.

Жавоҳир КАРОМатов,
«Turkiston» мухбири

YON DAFTAR CHANGIZGA

Меҳнатнинг нони ширин,
Ялқовнинг жони ширин.

Ўзбек халқ мақоли

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

Бутасимон ўсимликлар турига қирадиган юлғун республикамизнинг барча ҳудудларида, сой бўйларида, тўқайзорларда, чакалакзорларда, қўл қирғоқларида учрайди. У Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган бўлиб, кўчма қумларни мустаҳкамлашга, экотизимни яхшилашга хизмат қилади.

Ангорлик Мамат Пардаев парвариш қилаётган юлғун бошқаларига нисбатан бироз фарқ қилади. Ҳозир унинг бўйи 12-13 метр, танасининг айланаси 1,5 метр, эни 50 сантиметр, шохларининг энига ёйилган кенглиги тўққиз метр.

— Юлғунга меҳрим бошқача, — дейди Мамат Пардаев. — Ҳовлимизнинг ёнидаги зовурда ўсаётган юлғунларни кўпчилик чопиб кетарди. Бир куни юлғун новдасидан бирини уйи-

мизнинг рўпарасига экиб қўйдим. Мана, 43 йилдан буён уни парвариш-лаб келаман. Ҳар йили ортиқча шохларини кесиб, буталаб, шакл бераман.

Йиллар давомида бутасимон ўсимлик бўй чўзди. Инсоннинг табиатга чинакам эътибори, меҳри туфайли бугун мазкур ўсимлик дарахт шаклига кирди. Қувонарлиси, ёзнинг жазирама кунларида бу ердан ўтаётган йўловчилар юлғун соясида ўтириб, нафас ростлаб олишади.

Мамат бобонинг айтишича, юлғун тагида ўтирган инсон ўзини тетик хис қилади, кайфияти кўтарилади. Жазирама иссиқда соясида ўтирган кишига энгил шабада улашади. Шунинг учун бўлса керак, бу ердан ўтаётган йўловчиларнинг юлғун тагида бир оз дам олиб кетиши одат тусига айланган.

Инсон табиатнинг бир бўлагидир. Уни кўз қорачиғидек сақлашимиз, зарар етказмаслигимиз керак. Шунда табиат ҳам меҳримизга меҳр билан жавоб қайтаради.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири

Уяли телефон русуми	→					Ошхона буюми	↔				Шамс	↔	Кекирдак, бўғиз	↔	Шу сингари
Олов, оташ	Тузлама-боп шиша идиш	Сингари		Нодир, энг яхши		Лаб бўёғи		Момақалдироқ, яшин		Алек-сандар ... (ёзувчи)	→				
				Кичик дарё	→					Машхур автокомпания номи		Кримдаги шаҳар		Боб, бўлим	Отнинг «пояб-зали»
Абзал, иш қуроли		Еттинчи ой	→			Фаҳм, зеҳн		Заҳмат, қийинчилик	→						
				Қимматбаҳо тош	Тўплам, хирмон	Европойд, негроид	↔				Гвадалупе аммаси	→			
Кудурат, араз, кек	Тасвирий санъат яждоқори		→					Баҳил, хасис	→						
Бош, калла			→	Машина қисми		Кечпишар қовун нави		Сок	→	Грузиядаги дарё		Буддавий меъморий иншоот	Стиль, ўзига хослик		Қандайдир бир
Журнал номи	Бирок, лекин	→				"... ва Маргарита" (асар)		Аристотель	→				Муддат (русча)		Қаёқда, қаерда?
				Қуш тури	→					Далил, исбот	→				
Тошкентдаги бозор	Тунисдаги шаҳар	→						Аёлларга мурожаат	→			Байрон поэ-маси	→		
				Аввал, илгари	→					Сайёра номи	→				
Машинанинг орқа қисми	Оч жигаранг	→						Европадаги дарё	→			Жами, ҳаммаси	→		